

# **Шерободда “Заковат” интеллектуал ўйинининг ғолиблари аниқланди**



Ёшлар маркази биносида сектор раҳбари кубоги учун “Заковат” интеллектуал үйини ўтказилди. Унда вилоят ИИБ бўлим бошлиғи Ш.Саттаров, З-сектор раҳбари, туман ИИБ бошлиғи Ў.Шукуров ва Ёшлар ишлари агентлиги масъуллари шунингдек 12 та маҳалладан 100 нафардан ортиқ уюшмаган ёшлар қатнашди. Интеллектуал үйин якуний натижаларига кўра 1-ўринни Нуртепа маҳалласи жамоаси, 2-ўринни Каттабоғ маҳалласи ёшлари ҳамда 3-ўринни эса Чўйинчи маҳалласи жамоалари эгалладилар. Ғолиб бўлган жамоаларга ташкилотчилар томонидан пул мукофоти ва эсадлик совғалар топширилди.